Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

2014 йил
**16 апрель**
ЧОРШАНБА
**№ 31** (12667)

www.th.uz

1928 йил 11 декабрда асос солинган

2014 йил – Соғлом бола йили

## ПИСКЕНТНИНГ ДУРДОНА ҚИЗЛАРИ

*Мустақил Ўзбекистон ёшларига бугун дунёдаги барча тенгдошлари ҳавас билан қараётгани бор гап. Зеро, ўз келажагига теран боқаётган йигит-қизларимиз ҳар соҳада билимдон, етук. Яқинда бир маълумотни эшитиб, кўнгиллар фахр ва ифтихор туйғуларига тўлгани рост.*



Баркамол авлод тарбияси бўйича Ўзбекистон 166 давлат ичида 9-ўринни эгаллабди. Қойил! Қувонмай бўладими?! Бу албатта, ёшларимизнинг халқаро майдондаги билим синовларида ва турли танловларда қўлга киритаётган ютуқлари сабаблидир.

Таъбир жоиз бўлса, санъат бошқа соҳаларнинг юзи, илҳом париси. Ёшлар тарбиясида мусиқа ва санъатга алоҳида ўрин берилаётгани бежиз эмасда. Пискентлик Дурдона Муродова таъкидлаганимиз мусиқа ва санъатнинг ҳақиқий шайдоси. Рақс унинг жону дили. Пойтахтдаги маданият коллежининг хореография бўлимини тамомлаган раққоса қиз устози, тажрибали балетмейстер Муяссар Сотиболдиева раҳбарлигидаги "Ўзбегим юлдузлари" дастасида рақс сирларини чуқур ўрганди. Кейин эса, чет элларда халқимизнинг бетакрор санъатини намойиш этди. Россия, Қозоғистон, Қирғизистон, ҳатто, Ҳиндистон, Малайзиядаги санъат байрамлари ва танловларида муваффақиятли қатнашди.

(Давоми 4-бетда).

**"Тирикликнинг ҳикмати — аввало тинчликда, қолаверса соғлик, омонликда" дейишади доноларимиз. Инсонпарварлик тамойили устувор давлат сиёсатининг мазмун-моҳияти ҳам шундан иборат. Хусусан, "Соғлом бола йили" Давлат дастури оналарнинг, ҳар бир юртдошимизнинг дилидаги орзу-умиди, эзгу тилагини ифодалаб турибди.**

## ФАРЗАНДЛАРИМИЗ ОМОН БЎЛСИН!

"Азал-азалдан ҳар қайси ота-она ўз боласининг соғлом ва баркамол, ақл-заковатли, бахтли бўлишини истайди, – дейди давлатимиз раҳбари. – Шундай фарзандни вояга етказиш, унинг ҳаётда муносиб ўрин эгаллашига эришиш – ота-онанинг энг улуғ, энг муқаддас орзуси, десак айни ҳақиқатни айтган бўламиз".

Аслида мустақиллигимизнинг илк йиллариданоқ бу эзгу мақсад йўлидаги саъй-ҳаракатлар бошланиб кетган эди. Айниқса, соғлиқни сақлаш тизимидаги ислоҳотлар, бунёдкорлик ишлари, соҳадаги улкан ютуқлар фикримиз далили.

Ўтган Обод турмуш йилида 311 миллиард сўмлик бюджет маблағи ҳисобидан 146 та замонавий тиббиёт муассасаси фойдаланишга топширилганини таъкидлар эканмиз, вилоятимизда ҳам бу борада салмоқли ишлар амалга оширилаётганини бaралла айтиш мумкин. Чирчиқ шаҳрида ташкил этилган Вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази соғлиқни сақлаш тизимидаги кенг ислоҳотлар самарасидир. Унга олий тоифали шифокор Саида Мирзараҳимова раҳбарлик қилмоқда. Тиббиёт ходими сифатида илк қадамини шу даргоҳда – Чирчиқ шаҳар болалар шифохонасида бошлаганига ҳам 20 йил тўлибди. Бу муддат унинг юқори малакали, олий тоифали болалар шифокори даражасига етишишида муҳим аҳамиятга эга бўлди. Ўз касбини, болаларни чин дилдан севгани учун тез орада одамларнинг ихлосини, бошқарманинг ишончини қозонди. Шифохонада яратилган барча замонавий шарт-шароитлар, малакали тиббиёт ходимлари бу ерда болаларнинг кўп тармоқли тиббиёт маркази ташкил этилишига имкон берди. Салкам 10 йил ичида бу муассаса ўзига хос қиёфага, вилоятда муносиб нуфузга эришди. 135 ўринли стационар бўлимлари ҳамиша болажонлар саломатлиги учун хизматга шай.

(Давоми 2-бетда).

Маънавият

## ОЛАМ ОДАМ БИЛАН ГЎЗАЛ

***...Ҳар куни ишга кетаётиб, кўча супураётган, дов-дарахтларнинг тагини юмшатаётган, ердаги майда-чуйда чиқиндиларни ҳам эринмай, битта-битта териб олаётган, мармар тўсиқлар, темир панжараларни ялтиратиб артаётган одамларни кўрганда энтикиб кетаман: "Олам — одам билан гўзал" дейман ўзимга ўзим.***



Қўлидаги чиптасини, чекаётган сигарет ёки унинг қутисини тоза-озода кўчаларга лоқайд ташлаб кетаётган ёки йўл-йўлакай писта чақиб, пўчоғини автобус ёки автоулов ойнасидан кўчага улоқтираётган фаросатдан йироқ йўловчи-ю, ҳайдовчиларни кўрганда, ўкиниб кетаман: "Эҳ, одамлар!"... Бу ҳолатни бефарқ кузатаётганлар-чи?!

Она табиат, унинг гўзаллигию жозибасини юракдан ҳис этувчи энг олий мавжудот – ҳазрати Инсонсиз бу олам "бири кам дунё"га ўхшайди. Ахир инсонни табиатсиз ва аксинча, табиатни инсонсиз тасаввур этиб бўлмайди. Инсоният яралибдики, Она табиат бағрида умргузаронлик қилади. Ўз навбатида табиат ҳам инсон ёрдамига муҳтож. Уни муҳофаза қилиш фақат инсоннинг қўлидан келади. Лекин аксинча ҳам бўлиши мумкин. Ахир курраи заминимизнинг озон қатлами заифлашиб бораётгани сир эмас, Орол денгизи бежиз қуримади. Беҳисоб ҳайвонот ва наботот олами "Қизил китоб"дан паноҳ топаётгани ҳам инсоннинг ҳадсиз истаклари оқибати эмасми?

Сўнгги йилларда Ўзбекистонда, хусусан вилоятимизда табиатни муҳофаза қилиш, унинг ҳайвонот ва наботот оламини, ер ости ва ер усти бойликларини, мусаффо ҳавосини асраш, умуман табиий мувозанатни сақлаш бўйича қилинаётган ишлар эътиборга молик.

(Давоми 2-бетда).

Бандлик

**Коллеж битирувчилари касблари бўйича иш топишларида жойларда ўтказилаётган меҳнат ярмаркалари муҳим аҳамиятга эга. Юқори Чирчиқ қурилиш ва сервис касб-ҳунар коллежида ўтказилган бўш иш ўринлари ярмаркаси бунга яққол мисол бўлди.**

## ИШЛАЙМАН ДЕГАНГА ИШ ТОПИЛАДИ

– Ўзимга муносиб иш топганимдан хурсандман, – дейди "Сувоқава" корхонаси туман филиалида ишлаш учун йўлланма олган Сирожиддин Салоҳиддинов. – Коллежда ўрганган билимларимни амалиётда синаб, яхши мутахассис бўлишни мақсад қилганман.

– Ярмаркада 60 та корхона ва ташкилот 525 бўш иш ўрни билан қатнашди, – дейди туман бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази директори Нурилла Расулов.

(Давоми 3-бетда).

**"Ўзметкомбинат" ОАЖ шу йилнинг биринчи чорагида 259 миллиард 738 миллион 569 минг сўмлик товар маҳсулотлари ишлаб чиқариб, режани ортиғи билан бажарди.**

## САРҲИСОБ

Жумладан, "Иккиламчиқораметалл" бошқармасида 31 миллиард 414 миллион 778 минг сўмлик маҳсулот тайёрланди. Бу даврда пўлат эритувчилар 176 минг 964 тонна, прокатчилар 170 минг 201 тонна маҳсулот ишлаб чиқаришди. Шунингдек комбинатда 12 миллиард 582 миллион 553 минг сўмлик халқ истеъмоли моллари тайёрланди. Унинг 10 миллиард 345 миллион 219 минг сўмлиги сирланган идишлар.

**Ўз мухбиримиз.**

## ҚИЗҒАЛДОҚНИНГ ИБРАТИ

**Зангиота тумани Қизғалдоқ қишлоғи Зоирхон Жалилов номли маҳаллада "Оила – маҳалла – мактаб" ҳамкорлиги туфайли ёшлар доимий эътибор, меҳр-оқибат ва дўстона муҳитда улғаймоқда, камол топмоқда. Наврўзи олам шодиёналарини биргаликда нишонлаш ҳам қизғалдоқликларнинг хайрли анъаналаридан.**



Хусусан, 56-умумтаълим мактаби жамоаси, ўқитувчи ва ўқувчилари ҳар йили баҳорни, Наврўзи оламни сабрсизлик билан кутишлари бежиз эмас. Бу йилги Наврўз ҳам мактабнинг спорт майдонида уюшқоқлик билан ўтказилди. Вилоят ва туман ҳокимликлари, хотин-қизлар қўмиталари, "Маҳалла" жамоат фонди фаоллари, таниқли шоир ва ёзувчилар, санъаткорлар иштирокидаги байрам тадбири барчада ёрқин таассурот қолдирди. Тадбирда 56-мактабнинг иқтидорли ўқувчиларига Зоирхон Жалилов номидаги стипендия, ўқитувчиларга эса қимматбаҳо совғалар топширилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, Хотин-қизлар қўмитаси раиси Элмира Боситхонова иштирок этди.

**Саида ИКРОМОВА.**
**Қобилжон ҒОФУРОВ олган сурат.**

Таҳририятга хат

## МАҲАЛЛА БОШИДА СУНЪИЙ ТЎСИҚ

Чирчиқ шаҳар 10-кичик даҳадаги 23-кўп қаватли уй бозор билан туташган. Шу боис, бу жойда ҳамиша йўловчилар гавжум. Аммо, одамлар ҳар доим ҳам маҳаллага эмин-эркин кириб-чиқа олишмайди. Айниқса, эрталаб соат 6 дан 9 гача, кечқурун 16 дан 20 гача бунинг умуман иложи бўлмайди. Сабаби, кўчанинг маҳаллага кириш қисмини йўналишсиз таксилар тўсиб қўяди. Аксарияти қўпол ва маданиятсиз ёшлар. Қачон қарасангиз мижоз талашиб, жанжал кўтаришади.

Энг ачинарлиси, маҳалламизнинг мактаб ёшидаги болалари шу каби воқеаларга гувоҳ бўлмоқда. Бу эса уларнинг онгида: "Шундай қилсам бўлар экан-да?" каби турли зарарли ғояларни шакллантириши эҳтимолдан йироқ эмас.

2010 йилдан буён фаолият юритаётган бу ноқонуний таксилардан халос бўлиш мақсадида бир неча бор шаҳар йўл-патруль хизмати, давлат солиқ инспекцияси ва маҳалла фуқаролар йиғинига мурожаат қилдик. Минг афсуски, улар пинак бузишмади.

**А. АВТОХЎЖАЕВ,**
**7-уй, 6-хонадон.**



## ОНА ВА БОЛА САЛОМАТЛИГИ – ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДА

**Ўзбекистон Миллий матбуот марказида мамлакатимизда оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш борасида амалга оширилаётган ишлар ва истиқболдаги вазифаларга бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.**

Ўзбекистон соғлиқни сақлаш вазири А. Алимов ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар инсон манфаатларини таъминлаш, оналик ва болаликни муҳофазалаш, ҳар томонлама соғлом, баркамол авлодни камолга етказишда муҳим омил бўлаётганини таъкидлади.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда "Соғлом она – соғлом бола" ғоясини ўзида мужассам этган мақсадли дастур асосида салмоқли ишлар амалга оширилаётир. Жойларда фаолият юритаётган қишлоқ врачлик пунктларидан ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказларигача бўлган бўғинда халқимиз, хусусан, фертиль ёшидаги аёллар, болалар ва ўсмирларга юксак технологиялар асосида тиббий-профилактика, диагностика ва даволаш ёрдами кўрсатишнинг

(Давоми 2-бетда).

2014 йил – Соғлом бола йили

# ФАРЗАНДЛАРИМИЗ ОМОН БЎЛСИН!

– Марказимиз болаларга юқори малакали ихтисослаштирилган стационар, шошилинч педиатрия, амбулатор маслаҳат-диагностика хизматларини кўрсатади, – дейди бош шифокор. – Болаларда учрайдиган ҳар қандай касалликка даво топиш, уларни соғлом ҳаётга қайтариш – вазифамиз, бурчимиз. Ўтган 2013 йилда шаҳримизнинг 48 мингдан зиёд, вилоятимиз шаҳар ва туманларидан келган 100 мингга яқин болаларга тиббий хизмат кўрсатилди.

Саида Мирзараҳимова Ўзбекистонда оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш миллий модели "Соғлом она – соғлом бола" Халқаро симпозиуми иштирокчиси сифатида унда қабул қилинган қарорларнинг вилоят соғлиқни сақлаш муассасаларидаги ижросида фаоллик кўрсатмоқда. Шу кунгача, марказда 200 га яқин шифокор, 350 дан ортиқ ўрта тиббиёт ходимлари ўқитилди. "Саломатлик-2" лойиҳаси бўйича 260 патронаж ҳамшираларига ўқув-семинарлар ташкил этилди. Ўз-ўзидан маълумки, бу ишлар марказ моддий-техник базаси талаб даражасида бўлгандагина кутилган самарани беради. Шу маънода 2008 йилдан буёнги жорий, капитал таъмирлаш ишларига 50 млн. сўм ҳомийлик, 114 млн. сўм бюджет маблағлари, 2010 йилда соматик педиатрия корпусида 663 млн. сўмлик, 2013 йилда жарроҳлик бўлими биносида 2 миллиард 650 млн. сўмлик капитал таъмир ишлари бажарилди. 82 миллиард 700 миллион сўмликдан зиёд замонавий тиббий жиҳоз ва ускуналар келтирилди. Соғлом бола йилининг дастлабки ойидан эса марказнинг маслаҳат-ташхис поликлиникаси ва эрта ёшдаги болалар патологияси бўлимида 2 миллиард 566 миллион сўмлик капитал таъмирлаш ишлари бошланди.

– Касбий вазифа, жамоат ишлари, қолаверса, оила юмушлари осон деб айтолмайман, – дейди суҳбатдошимиз. – Лекин, мен ҳаётимни бошқача тасаввур қилолмайман. Умид билан келган ҳар бир беморга кераклигингни ҳис этиб ишлаш жуда катта масъулият. Аммо, улар дардларидан халос бўлиб, соғлом ҳаётга қайтса – мен учун бу катта бахт.

**– Шифокорларга ўқитувчи, беморларга даволовчи врач сифатида қандай маслаҳатлар берасиз?**

– Нафақат шифокор, балки ҳар бир тиббиёт ходими, аввало, ўз касбини севса, машаққатларига ҳам чидайди. Шу маънода касалликни даволашда сабр-тоқатли бўлиш, муолажанинг энг оддий усулларини қўллаб кўриш, фақат зарур ҳоллардагина, кучли дорилардан фойдаланиш керак деган бўлардим.




Энди беморларга келсак, болалардан аввал, уларнинг ота-оналарига айтадиган маслаҳат эмас, таклифларим бор. Сир эмас, шифокор сифатида баъзан "ўлим" деган совуқ ҳолатларга дуч келамиз. Аммо, ўтган йил давомида кўпроқ учратганим 1 ёшгача, шунингдек, 5 ёшгача бўлган болаларни даволашда баъзан нохуш ҳолатлар рўй берганини инкор этолмайман. Туғиш ёшидаги ёки ҳомиладор аёллар ўз соғлиқларига бефарқ бўлмасликлари керак. Сабаби, касалманд она туққан боланинг яшаб кетиши қийин кечади. Президентимиз бежиз "Соғлом она – соғлом бола" тақдирига жиддий эътибор қаратаётгани йўқ ахир! Соғлом авлод – келажагимиз эгалари эканини доим ёдда тутишимиз керак. Зеро, онанинг соғлиги, қолаверса, оилавий муҳит, ота-онанинг тиббий маданияти, таълим-тарбияда спортнинг ўрни, маънавий ва ахлоқий тарбия, оила-маҳалла-мактаб тамойиллари замирида соғлиқни сақлаш ходимларининг фидойилиги туради.

**Сайёра ЭШМАТОВА.**
**Қобилжон ҒОФУРОВ олган сурат.**

(Давоми. Боши 1-бетда).

Маънавият

# ОЛАМ ОДАМ БИЛАН ГЎЗАЛ

Вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси маълумотларига қараганда, 2013 йилда 9 миллиондан ортиқ манзарали ва мевали дарахт кўчатлари экилди. Угом-Чотқол давлат табиат миллий боғи муҳофазаси кучайтирилди. Вилоятимизнинг ҳар бир шаҳар, туманлари, айниқса, тоғли ҳудудларидаги барча моддий ва номоддий бойликларни ҳимоялаш, тиклаш давом этмоқда.

Миллий табиат боғининг ёдгорликлари ҳақида гап борганда, "Олтин мерос" халқаро хайрия жамғармаси вилоят бошқармаси бошлаган хайрли тадбирни эътироф этиш керак. "Ватанимизнинг бой маданий мероси, табиати, асрлар давомида шаклланган ва келажагимиз пойдевори бўлган табиий ва маданий меросни янада асраб-авайлашга, инсон ва табиат уйғунлигини улуғлашга, комиллик сари интилишга даъват этади", дейилади "Олтин мерос" вилоят бошқармасининг қўшма лойиҳасида. Мақсад – Тошкент воҳасининг тарихи, маданияти, бой табиати, улуғ боболаримизнинг номлари билан боғлиқ жойларни сақлаб қолиш, ўсимликлар ва ҳайвонот дунёсини, ажойиб табиат ёдгорликларини, шифобахш сувларини авайлаб-асраш, тиклаш ва ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш.

Лекин бу саъй-ҳаракатлар самараси ўзимизга, сизу бизга боғлиқ эканини англаш, идрок этиш, келажак авлодга безавол табиатни етказиш ҳар биримизнинг бурчимиз. Аслида, ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишларига алоҳида эътибор берилаётгани ҳам шу мақсадга йўналтирилган. Эрта кўкламдан Она Ер бағрини гуллатиш, яшнатиш, ризқ-насиба уруғини қадаш халқимизга хос хусусият. Аммо, бу борада якдиллик, уюшқоқликни янада кучайтириш зарур.

"Ободлик кўнгилдан бошланади" дея бонг урамизу, унинг моҳиятини чуқур ўйлаб кўришга баъзиларнинг фурсати йўқдек... Акс ҳолда, айрим жойларда уюм-уюм ахлатлар дилни хира қилиб ётмаган, дов-дарахтлар кесилиб кетмаган, сувларимиз ифлосланмаган бўларди. Бу энди фақат тегишли идораларнинг, табиатни муҳофаза қилиш қўмиталарининг иши эмас. Агар, аввало яшаш жойини тоза-озода тутиш кераклиги, кўчаларга, тўғри келган жойларга ахлат ташлаб кетиш гуноҳ экани ҳақида ҳар бир ота-она фарзандига сўзламаса, бунда катталарнинг ўзлари ибрат кўрсатишмаса, мақсадга эришиш қийин.

Агар шу оддий ҳолатларга беэътибор бўлсак, катта-катта долзарб экологик муаммоларнинг келиб чиқишига йўл очиб бермаймизми? Бу ҳақда ўқув-таълим муассасаларида, жамоат ташкилотларида гапирилмайди, дея олмаймиз. Лекин табиатга муносабатнинг илдизи оилада томир отишини унутмайлик. Болаларимизга "гиёҳ унмайдиган, зоғ учмайдиган" чўлу биёбонда яшамаётганимизни тушунтирайлик. Шундагина, атроф-муҳитга тирик жон сифатида меҳр билан қараб, ҳар бир нарсага эҳтиёткор муносабатда бўладиган, гўзалликдан завқ оладиган, ўзи ҳам янгилик яратишга интиладиган авлодга эга бўламиз.

**Сайёра РИХСИЕВА, "Тошкент ҳақиқати" мухбири.**

(Давоми. Боши 1-бетда).

# ОНА ВА БОЛА САЛОМАТЛИГИ – ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДА



замонавий тизими яратилди. Она-бола скрининг хизмати, перинатал тиббиёт муассасалари тармоғи изчил ривожланаётир. Болаларни юқумли касалликларга қарши эмлаш замон талабларидан ва тиббиёт ютуқларидан келиб чиқиб, мунтазам такомиллаштирилмоқда.

Мамлакатимизда дунё тажрибасида илк бор ҳомиладор аёлларни таркибида шифобахш моддаси бўлган поливитаминлар билан таъминлаш амалиёти йўлга қўйилди. Бунинг натижасида туғуруқ жараёнида ва ундан кейинги даврда аёл саломатлигига салбий таъсир этувчи асоратлар ва вазни кам болалар туғилишининг олдини олиш, оналар ва болаларнинг саломатлик кўрсаткичини яхшилашга эришилмоқда.

"Соғлом бола йили" Давлат дастури ижроси доирасида оналар ва болаларга кўрсатилаётган тиббий ёрдамни такомиллаштиришга йўналтирилган кенг қамровли ишлар амалга оширилаётир. Жумладан, МДҲ мамлакатларида ўхшаши бўлмаган замонавий кўп тармоқли болалар марказини қуриш ва юқори технологик тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш режалаштирилган. Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт маркази, Тошкент педиатрия тиббиёт институти клиникаси, вилоятлардаги кўп тармоқли болалар тиббиёт марказлари, туман тиббиёт бирлашмалари ва бошқа тиббий-ижтимоий муассасалар тубдан таъмирланиши, бир қатор янги иншоотлар барпо этилиши кўзда тутилган.

Мамлакатимизда тиббий-ижтимоий соҳада эришилаётган ютуқлар халқаро миқёсда ҳам кенг эътироф этилаётир. Яқинда оммавий ахборот воситалари орқали яна бир хушхабар эълон қилинди: Ўзбекистонда амалга оширилаётган "Соғлом бола йили" Давлат дастури БМТ томонидан расмий ҳужжат сифатида тарқатилди.

Тадбирда мамлакатимизда оналик ва боликни муҳофазалаш борасида амалга оширилаётган ишлар, орттирилган илғор тажриба, эришилаётган натижалар, ечимини кутаётган долзарб вазифалар хусусида фикрлашилди.

**Б. ХИДИРОВА, ЎзА мухбири.**

(Давоми. Боши 1-бетда).

Қарор ва ижро

# ИСЛОҲОТЛАР САМАРАСИ

**Вилоятимизда янги ишлаб чиқариш объектлари барпо этиш, мавжудлари фаолиятини кенгайтириш, аҳоли фаровонлигини янада юксалтириш борасида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда.**

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2013 йил 12 июлда қабул қилинган "2013-2015 йилларда Тошкент вилояти саноат салоҳиятини ривожлантириш дастури тўғрисида"ги қарори бу борада муҳим дастуриламал бўлаётир.

Ушбу ҳужжат ижроси доирасида амалга оширилаётган ишлар натижасида кўплаб янги иш ўринлари яратилмоқда. Мисол учун, ўтган йили Пискент туманида "Azaliea carment" масъулияти чекланган жамиятининг ишга туширилиши туфайли уч юз нафардан зиёд фуқаро иш билан таъминланди. Уларнинг аксарияти ёшлардир.

– Пискент агросаноат ва иқтисодиёт касб-ҳунар коллежининг енгил саноат маҳсулотлари технологияси йўналишини битирганман, – дейди "Azaliea carment" ишчиси Малика Умаржонова. – Ўз мутахассислигим бўйича ишлаётганимдан хурсандман.

Айни пайтда корхонада баҳор ва ёз мавсумига мўлжалланган болалар ва катталар устки кийимлари ишлаб чиқарилмоқда. Тайёр маҳсулотнинг асосий қисми четга сотилаётир.

Ўтган йили 557 минг долларлик маҳсулот экспорт қилинган бўлса, жорий йилда бу кўрсаткич янада юқори бўлиши кутилмоқда.

**Х. САЛИМОВ, ЎзА мухбири.**

# БИТИРУВЧИЛАРНИ КУТИШМОҚДА

**Зангиота туманидаги Бўзсув ва Ўртаовул қишлоқларида иш топиш муаммо эмас. Чунки тадбиркорлик йилдан-йилга ривожланиб, ўнлаб янги иш ўринлари барпо этилмоқда. Бу, айниқса, коллеж битирувчиларини ишга жойлаштиришда асқотмоқда.**

Жумладан, қурилиш ва тадбиркорлик касб-ҳунар коллежи битирувчиларининг қаерда ишлашлари ҳал қилиб бўлинган. Улар қишлоқда очилган картон, қўлқоп, пойабзал ҳамда автомобилларни газ ёқилғиси билан таъминлаш шахобчаларида иш билан банд бўлишади. Шунингдек, яқин кунларда очилиши кутилаётган тикувчилик корхонаси ва спорт мажмуасида ҳам янги иш ўринлари яратилади.

Бу йил фермерлар ҳам 10 битирувчини иш билан таъминлашни режалаштиришмоқда.

**Ўз мухбиримиз.**

Қадриятларимиз

# СЎЗАНАНИНГ ЎЗГАЧА ЖИЛОСИ

**Пискентликларнинг қадрлашга арзигулик бир одатлари борки, бундан ўрнак олса арзийди. Маҳалла аҳли ўзаро биродарлик, бирдамлик каби эзгу туйғуларни қарор топтириш, ёшларни миллий урф-одат ва анъаналарга ҳурмат руҳида тарбиялаш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, оилалар шароитларини ўрганиш, боқувчисини йўқотган, ёккаёлғизлар, ногиронлар, тарбияси оғир ўсмирларга эътибор бериш масалаларига жиддий ёндошади.**

Туманда қадимдан сақланган ўзига хос яна бир анъана бор: каттаю кичик, ёшу қари ҳашар йўли билан иморат ва кўприк қуриб, ободончилик ишларини ҳам биргалашиб бажаришади. Шунингдек, воҳада касаначилик ҳам азалдан яхши ривожланган.

Кашта гулларини санъат асарига айлантирган Хосият ая, Мушаррафхон ая, Зарифа ая ва Муҳаррам аяни пискентликлар яхши билишади, ҳурмат қилишади.

Кекса отахон ва онахонларнинг эслашларича, пискентликларнинг ўзларига хос оқ дўппилари бўлган. У Чуст дўпписига ўхшасада, гуллари фақат нафис оқ ипдан тикилиб, қора ранг аралашмаган. Шундай дўппилардан бири Тошкентдаги амалий санъат музейида сақланмоқда.

Фақат пискентликларга хос сидирға оқ рангда, майда қавиқли тўнни "сафиджома" деб аташган. Шунингдек, оқ банорас чопонлар ҳам кийишган.

Кўҳна Пискентда қадимдан бешик, катта-кичик сандиқ ва қутилар ясалган. Моҳир Нишонбой уста ясаган сандиқ ва қутиларни эслаб, ҳамон ҳурмат билан тилга олишади.

Энди, Пискент сўзана (палак)лари ҳақида икки оғиз сўз. Қадимдан бўлажак келинларга сўзана тикишни ўргатиш урф бўлган. Сўзана сўзи форсча-тожикча "сўзак" - игна сўзидан олинган бўлиб, "игна билан яратилган" маъносини беради. Сўзаналар ҳашаматли кошоналар, келин тушган хонадонларга файз бағишлаган.

**Адҳам МАМАТҚУЛОВ, физика-математика фанлари номзоди, доцент.**

Матбуот анжумани

# ТАРАҚҚИЁТНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

**Миллий матбуот марказида "Ўзбекэнерго" давлат акциядорлик компанияси томонидан инвестицияларни жалб этиш ва ўзлаштириш масалаларига бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.**

**Ҳар қандай давлат иқтисодиётининг барқарор ўсиши унинг энергетика соҳасини қай даражада жадал ривожлантираётганига қараб белгиланади. Мамлакатимизда электр энергиясини асосан "Ўзбекэнерго" давлат акциядорлик компанияси ишлаб чиқаради ва етказиб беради. Компания энергетика тармоғини янада ривожлантириш, электр станцияларини тубдан модернизация ва реконструкция қилиш, истеъмолчиларни энергия билан ишончли таъминлаш мақсадида ўз фаолиятини, жумладан, инвестиция соҳасида ҳам мунтазам такомиллаштириб бормоқда.**



Тармоқни ривожлантириш бўйича 2015 йилгача белгиланган асосий йўналишларга мувофиқ, умумий қиймати 8 миллиард доллардан ортиқ қирқдан зиёд инвестиция лойиҳаси амалга оширилмоқда. Мазкур лойиҳаларнинг аксарияти буғ-газ қурилмалари асосида электр ва иссиқлик энергияси ишлаб чиқаришнинг замонавий технологияларини жорий этиш, ёқилғи-энергетика балансида қаттиқ ёқилғи ва гидроэнергоресурслар улушини ошириш, таянч кичик станциялар ва тизимлараро электр узатиш линиялари қурилишига йўналтирилган.

Ўтган йилнинг ўзида турли инвестициявий лойиҳалар доирасида 14 объектда, чунончи, "Тошкент иссиқлик электр маркази" очиқ акциядорлик жамияти, "Ангрен" махсус индустриал зонасидаги шакар ишлаб чиқариш заводи, Янги Ангрен иссиқлик электр станцияси, Чорвоқ гидроэлектр станцияси ва бошқа объектларда қурилиш, реконструкция ҳамда модернизация ишлари амалга оширилди. Бундан ташқари, Тошкент, Толлимаржон, Навоий иссиқлик электр станциялари ва Тошкент иссиқлик электр марказида умумий қуввати 1775 мегаватт бўлган буғ-газ ва газ турбинали қурилмалар ўрнатиш ишлари бошланди. Юқори техник-иқтисодий кўрсаткичга эга мазкур қурилмаларнинг ҳар бири йилига 360 миллион кубометргача ёқилғини тежаш имконини беради.

Сўнгги икки йилда "Ўзбекэнерго" давлат акциядорлик компанияси Инвестиция дастури доирасида умумий қиймати 1 миллиард 100 миллион доллардан ортиқ 30 лойиҳани амалга оширди. 2014 йилда компания томонидан янги корхоналар ташкил этиш ва мавжудларини модернизация ҳамда реконструкция қилиш бўйича умумий қиймати 6 миллиард 330 миллион доллардан зиёд 28 йирик инвестиция лойиҳасини татбиқ этиш режалаштирилмоқда.

Матбуот анжуманида замонавий технологияларни пухта ўзлаштирган юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш, шунингдек, касб-ҳунар коллежи битирувчиларини иш билан таъминлаш муҳимлиги алоҳида таъкидланди. Жумладан, ўтган даврда компания корхоналарида 1600 дан ортиқ янги иш ўрни яратилиб, уларнинг аксариятини касб-ҳунар коллежи битирувчилари ташкил этганлиги қайд этилди.

**Роман БОНДАРЧУК, ЎзА мухбири.**

Тадбир

# ФИКРЛАР МУЛОҲАЗАГА ЧОРЛАДИ

Ўрта Чирчиқ саноат ва сервис ҳамда Қибрай тадбиркорлик касб-ҳунар коллежларида вилоят Маънавият тарғибот маркази, ички ишлар бошқармаси ҳамда Марказий банки ҳамкорлигида "Соғлом бола йили" давлат дастурининг мазмун-моҳиятини кенг тарғиб этиш ҳамда республика Президентининг "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори ижросини таъминлаш мақсадида "Огоҳлик – давр талаби" ҳамда "Оммавий маданият – кўзга кўринмайдиган хавфли қурол" мавзуларида давра суҳбати ўтказилди.

"Оммавий маданият" ниқоби остидаги таҳдид ва унинг оқибатлари, ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарлик, жиноятчиликнинг олдини олиш ҳамда тадбиркорлик билан шуғулланувчи ва фаолият бошламоқчи бўлган ёшларга тижорат банкларининг кўмаги тўғрисида фикрлар билдирилди.

– Ижтимоий ҳаёт шиддат билан ўзгариб бораётган даврда яшаяпмиз, – деди вилоят Маънавият тарғибот маркази бош мутахассиси Марат Нуров. – Шунинг учун ёшлар онгини эгаллашга уринаётган мафкуравий хуружларга қарши курашиш, халқимизнинг миллий қадриятлари ва маънавиятимизни асраб-авайлаш давлатимизнинг доимий диққат-эътиборида бўлиши табиий. Ёш авлодни Ватанга муҳаббат, бой тарихимизга, ота-боболаримиз анъаналарига садоқат руҳида тарбиялаш учун уларнинг қалби ва онгида мафкуравий иммунитетни кучайтиришимиз лозим. Токи, ёшларимиз миллий ўзлигини, шу билан бирга, дунёни чуқур англайдиган, умуминсоний қадриятларни тушунадиган бўлиб етишсин.

**Хуршида НАЗАРОВА.**

# ДУКЕНТДА ЯНГИ МУСИҚА ВА САНЪАТ МАКТАБИ

**Ангрен шаҳри Дукент қишлоғида қуриб, фойдаланишга топширилган болалар мусиқа ва санъат мактаби янги биносини мутахассислар замонавий талабларга жавоб берадиган, барча қулайликка эга маънавият маскани сифатида эътироф этишди.**

– Ушбу мактаб санъатсевар болалар учун чинакам йил совғаси бўлди, – дейди муассаса директори Шукуржон Норбоев. – Янги кошонада 150 дан зиёд фарзандларимиз ўзбек ва рус халқ чолғу асбоблари, эстрада хонандалиги, хореография, тасвирий ҳамда амалий санъат йўналишларида сабоқ олади. Шунингдек, дарсдан бўш вақтларида турли тўгаракларда ўзлари қизиққан санъат турлари билан шуғулланадилар. Хусусан, мактаб қошида "Тарона", "Ёш зарбчилар" ва "Нафосат" каби рубобчи, доирачи ва рақс ансамбллари фаолият юритмоқда.

– Мен рубоб йўналиши бўйича таҳсил оляпман, – дейди Султон Худойбердиев. – Мактабимизда яратилган шарт-шароитлар ва устозларимнинг сабоқлари туфайли бир қатор танловларда иштирок этишга эришдим. Жумладан, шу йил мусиқа ва санъат мактаблари ўқувчилари ўртасида ўтказилган анъанавий ижро ва халқ чолғулари республика кўрик-танловининг вилоят босқичи совриндори бўлдим. Яна тўрт мактабдошим ҳам республика миқёсидаги танловларда муваффақиятли иштирок этиб, вилоятимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишди.

**Юлдузхон МУҲИДДИНОВА,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**
**Даврон АҲМАД олган сурат.**



## Диққат! «Тоза ҳаво» тадбири

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "2011-2015 йилларда Ўзбекистон Республикасида атроф табиий муҳит давлат мониторинги дастурини тасдиқлаш тўғрисида"ги қарорига мувофиқ Ички ишлар ва Соғлиқни сақлаш вазирликлари, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ҳамкорлигида 10 апрелдан 10 майга қадар "Тоза ҳаво" тадбири ўтказилмоқда.**

# ТРАНСПОРТГА ҲАМ КИСЛОРОД КЕРАК, АММО...

Мамлакатимизда ҳар йили ўтказилаётган ушбу тадбир аҳолининг экологик маданиятини ошириш, автотранспорт воситаларининг техник ҳолатини ўрганиш ва табиий муҳит мувозанатини яхшилашга хизмат қилаётир.

Автотранспорт воситалари ҳаракатланишидан атмосферага минглаб тонна зарарли газлар чиқиб, биз нафас олаётган ҳавони булғаши ҳаммага маълум. Аниқланишича, автоуловлар ҳавога ўн олти хил зарарли моддалар чиқариб, ташқи муҳитни ифлослантирар экан. Мутахассисларнинг фикрича, автомобиль 1 кг. ёқилғи ёндиришга 15 кг. ҳаво сарфлайди. Аслида, ҳавонинг 21 фоизи кислороддан иборат.

Вилоятимизда рўйхатдан ўтган 153 минг 193 та автотранспорт воситаси бор. Ҳисоб-китобларга кўра, улар бир йилда 76 млн. 272 минг 882 кг. ёқилғи сарфлайди. Демак, вилоятимиздаги автомобилларга 11 минг 440 тонна кислород керак бўлади. Бу ҳаводаги кислороднинг 10-20 фоизига тўғри келади. Маълумки, атмосферада кислороднинг 16 фоиз камайиши тирик мавжудодларга жиддий хавф туғдириши мумкин.

Шуни ҳисобга олиб, вилоятимизда атроф-муҳитни автотранспорт воситаларининг зарарли таъсиридан ҳимоя қилиш учун табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ва давлат санитария-эпидемиология маркази билан ҳамкорликда қўшма чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, 10 апрелдан 10 майгача "Тоза ҳаво" тадбирининг биринчи босқичи ўтказилаётир. Хусусан, вилоятда олтита ҳаракатдаги ва тўққизта қўзғалмас постлар ташкил қилинди. Автокорхоналарда "Тоза ҳаво" тадбирининг мазмун-моҳияти тушунтирилмоқда.

Ҳайдовчилар ёдда тутишлари лозимки, ҳавога чиқадиган зарарли тутун миқдори ҳар бир ёқилғи тури учун қатъий белгилаб берилган. Жумладан, дизель ёқилғисида ишлайдиган транспорт воситаларидан ажралиб чиқадиган тутун миқдори давлат стандартига мувофиқ тутун тортиш карнайи (глушитель) тепада жойлашган автомобиллар учун 50 фоиздан, карнайи пастда бўлган автомашиналар учун эса 40 фоиздан ошмаслиги керак. Сиқилган газ (метан)да ҳаракатланадиган автомашиналарда зарарли ис гази 3 фоиздан, табиий суюлтирилган газ (пропан)да ишлайдиган автомобилларда 2 фоиздан ошмаслиги керак. Бензинда юрадиган автотранспортларда зарарли тутун миқдори 1,2-2 фоизгача бўлиши лозим.

Ҳаво мусаффолигини таъминлаш мақсадида автомашиналар экологик соф ёқилғига ўтказилмоқда. Бу ҳавога чиқарилаётган зарарли моддаларни бир неча баравар камайтиради. Умуман, бу каби тадбирларнинг барчаси табиий мувозанатни сақлаш ва халқимиз саломатлигини мустаҳкамлашга хизмат қилиши шубҳасиз.

**Дилмурод ШУКУРОВ,**
**вилоят ИИБ йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси техника назорати бўлими бошлиғи.**

## Бандлик

# ИШЛАЙМАН ДЕГАНГА ИШ ТОПИЛАДИ

– Ярмаркада иштирок этган битирувчи ва фуқароларга ишга жойлашиш учун йўлланма ҳамда тавсиялар берилди. Айримлар касб-ҳунар ўрганиш учун ўқув курсларига борадиган бўлди. Шунингдек, меҳнат қонунчилиги юзасидан ҳуқуқий маслаҳатлар берилди.

Ярмаркада ишга кириш учун йўлланма олганлар орасида бу йил касб-ҳунар коллежини битираётган Нуржигит Раимов ҳам бор. У тумандаги "Автомагистрал" корхонасига ҳайдовчи вазифасига ишга жойлашадиган бўлди.

– Корхонамиз қисқа фурсатда тумандаги илғор ишлаб чиқарувчилардан бирига айланди, – деди "Textile Technologies Group" хорижий корхонаси раҳбари ўринбосари Равшан Жўраев. – Тўқимачилик, трикотаж ва тикувчилик учун хом ашё материаллар ишлаб чиқарувчи корхонамиз замонавий технология ва ускуналар билан жиҳозланган. Йилига 6 минг тонна калава-ип, 7,5 миллион метр тайёр газлама, 5 миллион дона тикувчилик маҳсулоти ишлаб чиқарамиз. Маҳсулотларимизнинг 80 фоизи Хитой, Россия ва Украина давлатларига экспорт қилинади. Натижада кўплаб янги иш ўринлари очиляпти. Истиқболдаги режаларимиз фаолиятимизга инновацияларни жалб қилган ҳолда маҳсулотларимиз турини кўпайтиришдан иборат. Бунда бизга кўплаб мутахассислар керак бўлади.




Таҳлилларга кўра, тумандаги касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг асосий қисми ўз соҳаси бўйича ишлаш ниятида. Бир қисми олий ўқув юртлари талабалари сафига қўшилишни мақсад қилган бўлса, бошқа йигит-қизлар тадбиркорлик билан шуғулланиш истагини билдиришди.

**Хуршида ТУРСУНБОЕВА,**
**«Тошкент ҳақиқати» мухбири.**
**Еркебой БОТИРОВ олган сурат.**

*(Давоми. Боши 1-бетда).*

**"Qibray baraka non" масъулияти чекланган жамияти асосан аҳолини нон ва нон маҳсулотлари билан таъминлашга ихтисослашган. Қисқа фурсатда ишлаб чиқариш корпуси капитал таъмирланиб, замонавий технология ўрнатилди.**

# ҚИБРАЙНИНГ ШИРИН НОНЛАРИ



– "Савдогарбанк"нинг Қибрай филиали ажратган 150 миллион сўм имтиёзли кредит корхона фаолиятини кенгайтиришда асқотди, – дейди корхона раҳбари Рухсора Абдураҳмонова.

Ҳақиқатан ҳам "Савдогарбанк"нинг Қибрай филиали тадбиркорларни қўллаб-қувватлаётгани натижасида янги-янги лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилмоқда. Чунончи, филиал тадбиркор аёлларни қўллаб-қувватлаш учун 981,5 миллион сўм имтиёзли кредит ажратди. Шунингдек, кичик бизнес субъектларини қўллаб-қувватлаш мақсадида 2014 йилнинг биринчи чорагида 1 миллиард 676,6 миллион сўмлик имтиёзли кредитлар берилгани ҳам соҳа ривожи учун амалий кўмак бўлаётир. Аҳамиятлиси шундаки, ажратилаётган кредитлар янги иш ўринлари ҳам демакдир.

**"Туркистон-пресс".**

## Саломат бўлинг

**Бизнинг республикамиз безгакдан ҳоли ҳудуд ҳисобланади ва унга қарши ўтказилган тадбирлар натижасида бу касаллик 1961 йилда бутунлай бартараф этилган. Лекин қўшни Тожикистон, Қирғизистон, Афғонистон ва бошқа давлатлардан бу касаллик республикамизга ҳам кириб келиши мумкин.**

# БЕЗГАК – ХАВФЛИ КАСАЛЛИК

Безгак – хавфли юқумли касаллик бўлиб, у инсон қонида яшаб, кўпаядиган бир ҳужайрали паразитлар қўзғатиши натижасида иситма хуруж қиладиган, камқонлик, жигар ва талоқнинг катталашиши билан кечадиган, табиий шароитда анофелес туркумига мансуб чивинлар орқали тарқаладиган касалликдир. Безгак касаллигида эт увишиши, титраш, тана ҳароратининг 39-40 даражагача кўтарилиши ва терлаш тез-тез қайтарилиб туради.

Агар касаллик ўз вақтида аниқланиб, тегишли даволаш муолажалари ўтказилмаса, ўлим билан тугаши мумкин. Шу сабабли тана ҳарорати кўтарилган, камқонлик касаллигининг номаълум турлари билан мурожаат этган ва жигари ҳамда талоғи катталашган беморлардан қон намуналари олиниб, лабораторияларда безгак плазмодиясига текширилади. Булардан ташқари, эпидемиологик кўрсатмаларга асосан донорлар ва безгак бўйича нотинч ҳамда тропик мамлакатларга турли мақсадларда бориб келганлар (сайёҳлар, хизмат сафаридан қайтганлар ва ҳ.к.) ҳам алоҳида ҳисобга олиниб, даволаш-профилактика муассасаларида лаборатория усулида безгак плазмодиясига текширилади.

Аҳоли ўртасида безгак касаллиги тарқалмаслиги учун кераксиз сув ҳавзаларини йўқ қилиш, ботқоқликларни қуритиш, аҳоли яшайдиган кўп қаватли бинолар ертўлаларини сув билан тўлишининг олдини олиш, коллектор, зовурлар, дренаж ва суғориш тармоқларида сувларнинг равон юриши учун техника ва қўл кучи билан тозалаш шарт. Чивинлардан ҳимояланиш учун чўчитувчи моддалар (крем, аэрозол) суриш, пашшахоналардан фойдаланиш ва хона ромларига тўр тутиш, дезинфекцияловчи моддалар ишлатиш тавсия қилинади.

Шуни эсда тутингки, тана ҳарорати кўтарилганда ёки безгакнинг бошқа белгилари намоён бўлганда албатта шифокорга мурожаат қилиш зарур.

**Азиза ИБРОҲИМОВА,**
**вилоят ДСЭНМ паразитология бўлими мудири.**
**Икром БОБОЕВ,**
**Зангиота тумани ДСЭНМ паразитология бўлими мудири.**

## Олов – тилсиз ёв

# ФОЖИА САБАБИ – ЛОҚАЙДЛИК

**Ёнғин хавфсизлиги бошқармаси ходимларининг халқ бойликлари, корхона, ташкилот ва муассаса объектларини ёнғинлардан сақлаш йўлида тинимсиз ҳаракат қилаётганларига қарамай, айрим фуқароларнинг эътиборсизлиги ва масъулиятсизлиги, аникроғи табиий газдан фойдаланишда ёнғин хавфсизлиги қоидаларига амал қилмасликлари оқибатида турли кўнгилсизликлар содир бўлмоқда. Шу ўринда бир фожиали воқеани мисол келтириб, фуқароларни ҳушёрликка чақирмоқчимиз.**

Хонадон соҳибини ишга кузатган рафиқаси газ плиталари ёнаётганидан шубҳа қилмай, рўзғор юмушлари билан шуғуллanaverган. Дўкон узоқ бўлмаса-да, нон келтирилмаган экан. Болаларини уйда қолдириб, эшикни қулфлаб, дўконга чиқиб кетган. Қаровсиз қолган болалар ошхонага ўтиб, ёқиқ оловни ўйнашгани боис уйнинг ичини тутун қоплади. Бундан ваҳимага тушган тўрт яшар Саидхўжа икки яшар синглиси Нодира ҳамда чақалоқ Зилолани кўтариб, у ёқдан бу ёққа югура бошлашади. Орадан ўн беш дақиқа ўтар-ўтмас етиб келиб, юқори қаватга кўтарилган ўт ўчирувчилар бирин-кетин олов ичидан болаларни олиб чиқишди. Афсуски, тез тиббий ёрдам ходимларининг саъй-ҳаракатлари зое кетди, болакайларнинг ҳаётини сақлаб қолишнинг иложиси бўлмади.

Ҳар бир фуқаро кундалик турмушида ёнғин хавфсизлиги қоидаларига амал қилса, турли офатларнинг олди олинади. Тилсиз ёв вақт ва жой танламайди. Кутилмаганда, озгина эҳтиётсизлик ва лоқайдлик оқибатида рўй беради.

Ёнғин хавфсизлиги қонун-қоидаларига қатъий риоя қилсангиз давлат ва шахсий мулкингизни, уй-жойингизни ёнғиндан асраб, яқинларингиз ва фарзандларингиз хавфсизлигини таъминлаган бўласиз.

**Эрмахан СУЛЕЙМЕНОВ,**
**12-ҲЁХО 3-алоҳида пост инспектори.**

ЭЪЛОНЛАР

**Миробод тумани Қўйлиқ 4-даҳаси "Янги Қўйлиқ" маҳалласидаги ХУЖМШ "Кензоки коммунал сервис"га бирлашадиган уйлар:**

1. 13-уй ХУЖМШ
"Гўзалифтихор люкс сервис";
2. 15-уй ХУЖМШ
**"Тикилла коммунал сервис";**
3. 18/1-уй ХУЖМШ
**"Савобли люкс сервис";**
5 та уй 243 хонадон.

**Миробод тумани Қўйлиқ 4-даҳаси "Янги Қўйлиқ" маҳалласидаги ХУЖМШ "Фарсал коммунал люкс"га бирлашадиган уйлар:**

1. 21-уй ХУЖМШ
**"Қатортол-коммуналчи"**
5 та уй 213 хонадон.

**Миробод тумани Қўйлиқ 4-даҳаси "Янги Қўйлиқ" маҳалласидаги ХУЖМШ "Фитрат коммунал сервис"га бирлашадиган уйлар:**

1. 35-уй ХУЖМШ
**"Нур коммуналчи"**
2 та уй 80 хонадон.

**Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона Қўмитасининг Олий ҳарбий божхона институтига 2014-2015 ўқув йили учун божхона иши ва ҳуқуқшунослик таълим йўналишлари бўйича қабул ЭЪЛОН ҚИЛАДИ**

Олий ҳарбий божхона институти божхона иши соҳасида кадрларнинг базавий касб тайёргарлигини амалга оширади. ОХБИга ўрта ва ўрта махсус касб-ҳунар маълумотига эга бўлган шахслар қабул қилинади.

Институтга 17 ёшдан 23 ёшгача (қабул йилининг 31 декабрига қадар 17 ва 23 ёшга тўладиганлар) бўлган, бўйи 170 см.дан паст бўлмаган йигитлар ва 165 см.дан паст бўлмаган қизлар қабул қилинадилар.

Институтга тингловчиларни қабул қилиш касбий (ижодий) имтиҳон сифатида 1-босқичда "Жисмоний тайёргарлик"дан синов, 2-босқичда *божхона иши* йўналиши бўйича "Тарих" фанидан, *божхона ҳуқуқи* йўналиши бўйича эса "Давлат ва ҳуқуқ асослари" фанидан (оғзаки) имтиҳон топширилади.

Олий ҳарбий божхона институтига ўқишга кириш тўғрисидаги аризалар Тошкент вилояти божхона бошқармаси томонидан 2014 йилнинг 1 май кунига қадар қабул қилинади. (Мурожаат этиш пайтида абитуриентлар ўзлари билан шахсни тасдиқловчи ҳужжатларини, яъни паспорт, туғилганлик ҳақида гувоҳнома ва ҳарбий гувоҳнома тақдим этишлари лозим).

Ҳужжатларни расмийлаштириш билан боғлиқ маълумотларни Тошкент вилояти божхона бошқармаси кадрлар бўлими телефонлари орқали олишингиз мумкин.

Шаҳар телефони: 120-86-14.
Ички телефон: 120-86-00, коммутатор орқали 40-41 рақами сўралади.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Дархонтепа кўчаси, 7-А уй.

**"SHUKUR GRAND TRADE BUSINESS" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

Савдога қуйидаги автотранспорт воситалари (мулклар) қўйилмоқда: 1. Олмалиқ ш. СИБ томонидан 17.06.2010 й. № 9297-сонли и.х.га асосан 1987 й. и.ч. "Газ24" д.р. 11Т8467. Бошланғич баҳоси – 526124 сўм. 2. Олмалиқ ш. СИБ томонидан 10.02.2013 й. № 433-сонли и.х.га асосан 1985 й. и.ч. "Урал" д.р. 6981ТША. Бошланғич баҳоси – 652127 сўм. Олмалиқ шаҳар Савдо МЧЖ омборида сақланмоқда. 3. Олмалиқ ш. СИБ томонидан 31.05.2010 й. № 8252-сонли и.х.га асосан 1983 й. и.ч. "Ваз2105" д.р. 11G2126. Бошланғич баҳоси – 1728666 сўм. Оҳангарон тумани ИИБ жарима майдонида сақланмоқда. 4. Олмалиқ ш. СИБ томонидан 19.05.2008 й. № 2777-сонли и.х.га асосан 1984 й. и.ч. "Москвич412" д.р. 11V6328. Бошланғич баҳоси – 411664 сўм. Олмалиқ шаҳар ИИБ жарима майдонида сақланмоқда. Аукцион савдоси 2014 йил 1 май куни соат 11:00 да бўлиб ўтади. Юқоридаги автотранспорт воситалари (мулклар) билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар ҳар куни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади ва савдолар бошланишига бир иш куни қолганда соат 16:00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш истагида бўлган талабгорлар автотранспорт воситаси (мулк) бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдоридан кам бўлмаган закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда ҳар бир автотранспорт воситаси (мулк) учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси – "SHUKUR GRAND TRADE BUSINESS" МЧЖнинг "ASIA ALLIANCE BANK" ОАТБ Мирзо Улуғбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000600274144001, МФО 01103, СТИР 302757392. Аукцион ғолиби сотиб олган автотранспорт воситаси (мулк) қийматини 5 банк куни мобайнида тўлалигича тўлаши шарт. Манзил: Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Тафаккур 1-тор кўчаси, 2-уй, 1-хонадон. Телефон/факс: (871) 2155459. Гувоҳнома № 007558.

Тузатиш: Қибрай т. СИБ томонидан 20.06.2013 й. № 11223/8-сонли и.ҳ.га асосан 1989 й. и.ч. "Камаз" д.р. N088NUM. Бошланғич баҳоси – 21362400 сўм бўлган автотранспорт воситасининг аукцион савдо куни 2014 йил 12 майдан 2014 йил 24 апрель кунига кўчирилди.

Тошкент шаҳар Чилонзор тумани ҳокимияти ҳузурида рўйхатдан ўтган Давлат-тижорат Халқ банки Тошкент вилояти филиалига (ИНН 205888230) берилган статистика рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Яккасарой туманида рўйхатдан ўтган "DIRA-SERVIS" (ИНН 204066487) шўъба корхонасининг ташкилий-ҳуқуқий шакли "DIRA-SERVIS" масъулияти чекланган жамиятига ўзгаришини маълум қилади. Телефон: (+99898) 127-00-71.

Олмазор тумани ТСРЎИ томонидан 21.07.2011 йилда № 004031-05 реестр рақами билан рўйхатга олинган "VEZUVIY TRADING" (ИНН 301488325) МЧЖ Вазирлар Маҳкамасининг 630-сонли қарорига асосан **ТУГАТИЛАДИ** (асос: таъсисчининг 11.04.2014 йилдага 3-сонли баённомаси). Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой давомида Олмазор тумани, Мирзо кўчаси, 1-уйда қабул қилинади. Телефон: 525-21-21.

Олмазор тумани ТСРЎИ томонидан 20.07.2011 йилда № 005319-05 реестр рақами билан рўйхатга олинган "LIZA MEBEL" (ИНН 302059485) МЧЖ Вазирлар Маҳкамасининг 630-сонли қарорига асосан **ТУГАТИЛАДИ** (асос: таъсисчининг 11.04.2014 йилдаги 4-сонли баённомаси). Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой давомида Олмазор тумани, Қичқириқ 1-берк кўча, 13-уйда қабул қилинади. Телефон: 667-88-28.

Яккасарой тумани ТСРЎИ томонидан 29.11.2005 йилда № 11-000942 реестр рақами билан рўйхатга олинган "AGROINJTEKS" (ИНН 201014545) МЧЖга тегишли бўлган гувоҳнома йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

"WELDMENT" (ИНН 302361293) оилавий корхонасига тегишли бўлган думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Тошкент Давлат юридик институти томонидан 2005 йилда Хамражананов Умиджон Салижанович номига берилган В № 191861 рақамли диплом иловаси йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Чирчиқ шаҳар ҳокимлиги томонидан 03.09.2007 йилда № 3022 реестр рақами билан рўйхатга олинган "BEKZOD UMIDLARI" хусусий фирмаси шу ном билан ташкилий-ҳуқуқий шаклини масъулияти чекланган жамиятига ўзгариши ҳамда "BEKZOD UMIDLARI" масъулияти чекланган жамияти "BEKZOD UMIDLARI" хусусий фирмасининг барча ҳуқуқ ва мажбуриятларини ўз зиммасига олган ҳолда унинг ҳуқуқий ворисига айланишини маълум қилади. Даъво ва аризалар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой давомида Чирчиқ шаҳри, А. Навоий шоҳкўчаси, 20-уйда ёки (+99894) 925-43-43 телефон рақами орқали қабул қилинади.

Утерянный угловой штамп частной фирмы "BEGZOD-SERVIS-SXS" (ИНН 204755104, ОКОНХ 14933) Шайхантахурского района г. Ташкента, **СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.**

Утерянный диплом L № 108404 (регистр № 191), выданный в 27.06.2011 года академическим лицеем "НУРИСТОН" г. Карши (Кашкадарьинской области) на имя Турдиевой Азизы Эшмамат кизи, **СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.**

Олмазор тумани ТСРЎИ томонидан рўйхатга олинган "GLOBAL GRAPHIC PRESS" МЧЖга тегишли бўлган думалоқ муҳр ҳамда бурчак тамғаси йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

ООО "GLOBAL TREYD KONSALTING" (ИНН 204485529, ОКПО 18988294), зарегистрированное ИРСП Мирзо Улугбекского района г. Ташкента за реестр № 04-0001045 от 10.04.2003 г., расположенное по адресу: г. Ташкент, Мирзо Улугбекский район, ул. Муртазаева, дом 17, **ЛИКВИДИРУЕТСЯ** (решение учредителя от 15.04.2014 г.). Претензии принимаются в течение двух месяцев со дня опубликования объявления по адресу: г. Ташкент, Мирзо Улугбекский район, ул. Муртазаева, дом 17. Телефон: (+99890) 322-99-62.

Тошкент вилояти фермерлар Кенгаши котибияти жамоаси Кенгаш раиси Тўлқинбой Тўраевга волидаи муҳтарамаси
**МАРЯМ ая**нинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

# ПИСКЕНТНИНГ ДУРДОНА ҚИЗЛАРИ



(Давоми. Боши 1-бетда).

Миллий рақс жилваларига чет элликларни ром этди. Шундай сафарлардан бирида Дурдона ўз билганларини кимгадир ўргатиш истагида ёнди. Она юрти Пискентга қайтиб, рақс ихлосмандларини чорлади. Айниқса, жажжи қизалоқларнинг самимий хатти-ҳаракатлари Дурдонанинг ғайратига ғайрат қўшарди. Энди унинг шогирдларисиз туманнинг бирор тадбири, йиғини ўтмайдиган бўлди. Тумандаги 30-болалар мусиқа ва санъат мактаби ишга тушгач, унинг муҳташам концерт зали қизларнинг парвозига қанот бағишлади. 6 ёшдан 14 ёшгача бўлган қизалоқлар ҳар йили нафақат туман, балки вилоят миқёсидаги байрамлар, шодиёналарда иштирок этиб, олқишлар олишмоқда. "Ўзбекистон Ватаним маним", "Камалак юлдузлари" каби фестивалларда қатнашиб, совринли ўринларни эгаллаб келишяпти.

– Менинг муваффақиятларимда ота-онамнинг ҳиссаси катта, – дейди Дурдона. – Онам асли ўқитувчилар. Ҳозир пенсиядалар. Қизларнинг устидаги гўзал либосларни онам тикадилар. Уларни кийиб рақсга тушган қизларни кўриб, ёшариб кетадилар, гўё. "Халқимизга шодлик, қувонч бахш этаётган санъатинг гуллаб-яшнайверсин, раққоса қизларинг камолга етиб, ўзинг каби моҳир санъаткор бўлсин, элюртимиз тинчлигига кўз тегмасин", дейдилар онам.

Ҳақ гап. Ахир, тинчликнинг хосияти бўлакча. Бу неъматга зор яшаётганлар қанча... Эркин, озод, ҳур Ватанимиз бор экан, тинчлигимиз барқарор. Бундай элда хушнаво куй-қўшиқлар, алёрлару дилрабо рақслар одамларни хушнуд этаверади. Дурдона эса халқимизнинг миллий рақслари сеҳрини ўрганишдан чарчамайди.

**Сайёра РАҲМОНҚУЛОВА.**

**Қобилжон ҒОФУРОВ олган сурат.**

## Спорт

**Чирчиқ олимпия захиралари коллежида 76 малакали мураббий 17 спорт тури бўйича 600 спортчига сабоқ бермоқда. Ушбу таълим даргоҳида кўплаб таниқли спортчилар тарбияланишган.**

# ТИНИМСИЗ МАШҚНИНГ ҒАЛАБАСИ ЁҚИМЛИ

Ўтган йили коллеж ўқувчилари мамлакат терма жамоалари таркибида Франция, Германия, Туркия, Жанубий Корея, Хитой, Филиппин, Қатар, Козоғистон давлатларида ташкил этилган халқаро турнирлар, Европа очиқ кубоги ва Осиё чемпионатларида омадларини синаб кўришди. Байдарка ва каноэда эшкак эшиш устаси Вадим Меньков ҳам шу масканда таҳсил олган. Яна шуни қўшимча қилиш лозимки, коллеж тарбияланувчиси Достон Рўзиев 2013 йилда Ўзбекистоннинг энг ёш спортчиси деб топилган бўлса, таэквандо бўйича кўплаб халқаро мусобақаларда ғолибликни қўлга киритган Динара Маматибрагимова Зулфия мукофотига муносиб кўрилди. Қолаверса, спортнинг сузиш, бокс, байдарка ва каноэда эшкак эшиш, дзюдо, велоспорт, таэквандо, енгил атлетика, оғир атлетика, миллий кураш жамоалари аъзоларининг чиқишлари кўпчиликда илиқ таассурот қолдирмоқда.

– Бу йил Наманган шаҳри "Баркамол авлод" спорт мусобақаларининг республика финал босқичига мезбонлик қилади, – дейди спорт коллежи директори Музаффархўжа Раҳматхўжаев. – Тарбияланувчиларимиз ҳам бўлажак баҳсларга жиддий тайёргарлик кўришяпти. Асосий мақсад, республика финал босқичида ғолибликни қўлга киритиш.

Сузиш коллеждаги энг оммалашган спорт тури. Вилоятимиз терма жамоасининг икки аъзоси Ереван шаҳрида уюштирилган йиғинларда иштирок этди. Саралаш баҳсларида 12 номзод танлаб олинди. Волейбол жамоаси бош мураббийи Тўрақул Раҳмоновнинг таъкидлашича, вилоят терма жамоаси таркибига жалб этилган 12 қизнинг 8 нафари шу коллежда таҳсил олишади.

**Хуршида НАЗАРОВА.**

## Ҳарбий ватанпарварлик

# ШОҲСУПАДА «ТЕМУР ЎҒЛОНИ»

**Вилоят хотин-қизлар қўмитаси, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши ҳамда тегишли ташкилотлар ҳамкорлигида анъанавий "Ёш чегарачилар" ҳарбий ватанпарварлик мусобақалари босқичма-босқич ўтказилмоқда.**



Ўқув йили бошида таълим муассасаларидаги "Ёш чегарачилар" клублари аъзоларидан ташкил этилган жамоалар ушбу мусобақаларда қатнашиш учун ҳарбий тайёргарликка оид билимларини ошириб боришни йўлга қўйишган. Машғулотлар давомида ҳарбий тарихни ўрганиш дарслари, танлов, викторина, эстафета, мусобақа ва олимпиадалар, турли ҳарбий спорт ўйинлари ташкил этилади. Иштирокчилар давлат чегараси ва ундан ўтиш ҳамда чегара олди тартиб-қоидалари, фуқароларнинг давлат чегараларини қўриқлашдаги иштирокига оид билимларини янада мустаҳкамлайдилар.

Хулоса қилиб айтганда, "Ёш чегарачилар" ҳарбий ватанпарварлик мусобақалари ёшларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Қуролли Кучлари умумий Низоми, давлат тузуми ва давлат рамзларини яхши билишлари, Қуролли Кучлар, хусусан Миллий хавфсизлик хизмати чегара қўшинларидаги ислоҳотлар моҳиятидан хабардор бўлиш, армия сафида хизмат қилишга тайёр туриш, умуман, Ватан олдидаги бурчларини тўла ҳис этишларига хизмат қилмоқда.

Мусобақаларнинг бу йилги вилоят финал босқичи Чирчиқ шаҳридаги ҳарбий қисм базасида ўтказилди. Унда чегара ҳудудлардаги ўнта касб-ҳунар коллежлари жамоалари таркибидаги юзга яқин ёшлар иштирок этди. Дастлаб жамоалар аъзоларининг ижтимоий-сиёсий билимлари викторина савол-жавоблари йўли билан аниқланиб, сўнгра ҳарбий спорт мусобақалари бошланди. Иштирокчилар қурол-яроғларни қисмларга бўлиш ва йиғиш, ўқ отиш, граната улоқтириш, турникда тортилиш, турли тўсиқлардан ўтиш, югуриш каби мусобақаларда куч синашдилар.

Якуний натижа бўйича Бекобод шаҳридаги қурилиш ва коммунал хизмат коллежининг "Темур ўғлони" жамоаси "Ёш чегарачилар" ҳарбий мусобақалари вилоят босқичи ғолиби бўлди. Иккинчи ва учинчи совринли ўринларни тегишлича, Қибрай туманидаги энергетика коллежининг "Ватанпарвар" ва Бўка туманидаги агротадбиркор коллежининг "Қалдирғоч" жамоалари эгаллади.

Мусобақа якунида совринли ўринларни эгаллаган жамоаларга ҳамкор ташкилотларнинг фахрий ёрлиқлари ва эсдалик совғалари топширилди.

**Еркебой БОТИРОВ олган сурат.**




### ЯҲУДИЙЛАР ЖАМИЯТИ МАРКАЗИДА ХУНРЕЗЛИК

**Американинг Канзас шаҳри яқинидаги Оверленд-Паркда жойлашган Яҳудийлар жамияти марказида уч киши отиб ўлдирилгани ҳақида хабар тарқатди Associated Press агентлиги.**

Бундан ташқари, воқеа содир бўлган жойда оғир яраланган 15 ёшли ўсмир ҳам шифохонага келтирилди. Маҳаллий ҳокимият вакили Шон Райли киритган аниқликка қараганда, қотиллиқлардан бири Шалом қишлоғида содир этилган. Яна икки киши жамоат марказида отиб ташланган.

Полиция воқеа жараёнида бир кишини қўлга олганини маълум қилди ёнғиндан қўриқлаш вакили Жейсон Родес. Шунингдек, маҳаллий оммавий ахборот воситаларининг ёзишича, гумондор шахсни қўлга олиш пайтида у нацистларнинг бир неча шиорларини айтиб, баланд овозда қичқирган.

Аслида Яҳудийлар жамияти марказида бўлажак телетанловда иштирок этиш олдидан тадбир уюштирилаётган эди. Юқоридаги хунрезлик эса ушбу тадбирни кейинга қолдиришга мажбур қилди.



### ЧИЛИ ЎРМОНЛАРИДА КУЧЛИ ЁНҒИН

**Би-Би-Си тарқатган хабарда келтирилишича, Чилининг порт шаҳри Вальпараисодаги ўрмонларда юз берган кучли ёнғин 11 кишининг ҳаётига зомин бўлди, 500 дан зиёд уй бутунлай ёниб кетди.**

Агентликнинг маълумотларига кўра, минглаб маҳаллий аҳолини эвакуация қилишга тўғри келди. Ёнғинлар пайтида кучли шамол эсиб тургани боис, биринчидан, ўт ўчирувчиларнинг иши оғирлашди, иккинчидан шамол ёнғиннинг кучайишига сабаб бўлди.

Шунингдек, шаҳарнинг баланд-паст ва қияликларда жойлашгани, кўчаларининг торлиги ва илон изидек ноқулайлиги ҳам қутқарув ишларини мураккаблаштирди. Шу боис мамлакат президенти Мишель Бачелет Вальпараисога шахсан ташриф буюриб, қутқарув хизмати ишларини назорат қилишга мажбур бўлди.



### АФҒОНИСТОН ПРЕЗИДЕНТЛИГИГА САККИЗ ДАЪВОГАР

**Би-Би-Си агентлигининг ёзишича, Афғонистонда 5 апрель куни бўлиб ўтган президент сайловлари бюллетенлари ҳамон ҳисоб-китоб қилинмоқда.**

Ҳозиргача мамлакатнинг 44 та вилоятидан 26 тасида бўлиб ўтган сайлов бюллетенлари ҳисоблаб чиқилди. Якунга кўра, ҳозирча Афғонистоннинг собиқ ташқи ишлар вазири Абдулла Абдулла 41,9 фоиз овоз билан етакчилик қилмоқда.

Абдулланинг энг яқин рақиби, собиқ молия вазири Ашраф Ғани олган овоз 37,6 фоиз. Бироқ, сайлов комиссияси раисининг таъкидлашига қараганда, қолган бюллетенларни ҳисоблаш жараёнида натижалар ўзгариши мумкин. Агар номзодлардан бирортаси ҳам 50 фоиз овоз олишга эришолмаса, яна бир тур сайлов ўтказилади.

2001 йилда "Толибон"ларнинг идора тузуми тугатилганидан сўнг Афғонистонда биринчи марта давлат раҳбари демократик сайловлар йўли билан танланадиган бўлди. Бироқ, сайлов олдидан ҳам, сайлов жараёнларида ҳам "Толибон" ташкилоти бир қатор террорчилик актларини содир этди.

Афғонистон конституциясига мувофиқ амалдаги президент Ҳамид Карзай 12 йил давомида мамлакатга раҳбарлик қилди. Энди ушбу лавозимга қайта сайланиши мумкин эмас. Айни пайтда президентлик лавозими учун 8 номзод кураш олиб бормоқда.



### ЗИЛЗИЛА УЙЛАРНИ ВАЙРОН ҚИЛДИ

**Ўтган ҳафтада Никарагуада икки бор кучли ер силкиниши натижасида 2 мингдан зиёд уй турли даражада шикастланди ёки бутунлай вайрон бўлди.**

Ҳукуматнинг расмий вакили Росарио Мурильо зилзила оқибатлари хусусида оммавий ахборот воситаларига маълумот берди. 6,2 магнитуда куч билан ер силкинишидан мамлакат пойтахтидан 40 километр масофадаги Нагарота вилояти айниқса, кучли жабрланди. Бу ерда 587 та уй бутунлай харобага айланди, яна 560 уй жиддий таъмирга муҳтож ҳолга келди.



Биринчи кучли силкинишдан сўнг яна мингдан зиёд кучсиз силкинишлар юз берди. Ўтган жума куни эса 6,7 балли силкиниш қайд этилди. Оқибатда бир киши ҳалок бўлди, 33 киши жиддий жароҳатланди.

Маълумотларга қараганда, ўтган ҳафтада юз берган зилзила 1972 йилдан буёнги энг кучлиси бўлди. Қирқ йил бурун юз берган ўша зилзила чоғида 5 минг киши ҳалок бўлиб, 20 минг киши турли даражада жароҳатланган, 250 мингдан зиёд аҳоли бошпанасиз қолганди.

**Интернет хабарлари асосида тайёрланди.**

## Bolalik bog`i

# ENG YAXSHI SOVG`A

Yoz bolalarning eng sevimli fasli. Shu faslda Dilnozaning tug`ilgan kuni nishonlanadi. U tug`ilgan kuniga barcha sinfdoshlarini taklif etgan. Sinfdoshlari Dilnozaga sovg`a tayyorlash bilan ovora. Hatto ayrimlarining sovg`alari allaqachon taxt qilib qo`yilgan. Shohida kashta tikilgan ro`molcha, Abdurahim va Fayzulla yumshoq o`yinchoq, Mahfuza o`zi chizgan rasmini sovg`a qilishmoqchi. Charos esa unga o`zi ekkan gulni sovg`a qilaman deb tayyorlab qo`ydi. Faqatgina Sevinch hali ham sovg`a tanlash bilan ovora.

Nihoyat, orziqib kutilgan damlar keldi. Dilnozanikiga dugonalari birin-ketin kirib kela boshladi. Chaqirilgan mehmonlar jamuljamu, lekin Sevinchdan hali ham darak yo`q. Dilnoza o`rtoqlari orasida Sevinchning yo`qligini ko`rib, ko`ngli bir oz cho`kkanday bo`ldi.

Bayram dasturxoni to`kin. Dilnozaning oyisi mehmonlarga parvona. Shu payt eshik taqillab qoldi. Hammaning nigohi eshikda. Dilnoza biror narsani sezganday, suyunib eshikka yugurdi. Xayriyatki, u kutganday Sevinch kelibdi. Sevinch unga hech kutilmagan, lekin uning uchun eng yaxshi sovg`a bo`lgan – kitob berdi.

**Sevinch AVAZOVA, O`rta Chirchiq tumani.**

## Рассом хандаси



*Изоҳга ҳожат йўқ.* cartoon.kulichki.com

## Жиноятга жазо муқаррар

# ИГНА ОРТИДАГИ ЖАҲАННАМ

Уч яшар боласини бағрига босган жувон пиқ-пиқ йиғлаб, ота уйига кириб келди.

– Тағин нима бўлди? – онаси неварасини қўлига олди.

– Ундан нафратланаман, – деди Озодахон кўзёшини артиб.

– Бўпти қизим, бир гап бўлар. Бу кунларни кўрмагандай бўп кетарсан. Бети қурсин, ўша бангининг!

Кечқурун ишдан қайтган отасига: "Кўриб кетай, деб кепти", деб билдирмади. Отаси энди тили чиқа бошлаган неварасини қўлига олиб, эркалади.

Икки кун ўтиб, учинчи куни ҳам кечки пайт пешвоз чиққан қизига: "Ҳалиям уйингга кетмадингми", деб ўқрайди. "Бутунлай келдим", дея Озода ер чизди. Одина опа жаҳли чиққан эрининг енгидан тортди:

– Дарди ичида, сизга айтолмайди. Куёвингиз – банги. Россияда ишлаб юрганида қора дорига ўрганиб қолган. Соғ юрганда одамга ўхшайди. Доридан игна қилиб олса, ҳайвондан фарқи йўқ. Қудалар бизга билдиришмапти. Тўйдан олдин наркодиспансерда даволатишган экан. Дарди бедаво сабаб ўзини бошқаролмай, гўдагини чирқиратиб, Озодани дўппосларкан. Сизга билдирмай, шифокорларга кўрсатдим. Қорнига тепиб, иккинчи ҳомиласини нобуд қипти. Уч ёшдаям боласи ая, дададан бошқа сўз айтмаслигининг сабабиям шундан. Бола нуқсон билан туғилган.

Аҳмад аканинг қўллари мушт бўлиб тугилди. Кўз ўнгида ҳамкасб оғайниси Мелибойнинг тўнғич ўғли гавдаланди. Ўттиз ёшга кирган йигит жиннисифат. Аллақаердан топган "дори"ни ютиб олиб, одам танимай қолади. Отаси: "Қаердан олади, ким беради қора дорини, билсам, қўлимга тушса, тилка-пора қилиб ташлайман", дея Аҳмад акага ёрилади.

Ушбу оилага яқин бўлган Очил тоғани ҳам гиёҳванд ўғли адойи тамом қилди. Тоға игнага ўрганган 24 яшар Обидни йўлга сололмай, ич-ичидан эзилиб, дунёдан эрта кетди. Отасининг вафотидан кейин ҳеч қанча ўтмай, гиёҳванд ўғилнинг жасадини ҳам чала ётган, эгасиз уйнинг ертўласидан топишди...

Бугун аср вабоси, дея ном олган гиёҳвандлик ортидан дунёда минглаб инсонларнинг ҳаёти издан чиқиб, бевақт оламдан ўтмоқда.

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари жамоатчилик билан ҳамкорликда мунтазам ўтказаётган "Қора дори" тадбирлари натижасида шаҳар ва қишлоқлардаги ҳовлиларда, панапастқам далаларда гиёҳванд ўсимликларни яширинча етиштиришнинг олди олинмоқда. Контрабанда йўллари билан мамлакатимиз ҳудуди орқали "қора ажал"ни олиб ўтишга уринишларнинг пайи қирқилмоқда.

2013 йилнинг 13 июнида жиноят ишлари бўйича Бекобод шаҳар судида гиёҳвандлик моддаларининг ноқонуний савдоси билан шуғулланиб келган яна бир жиноий гуруҳнинг фаолиятига нуқта қўйилди. Суднинг қора курсисида ўтирган кимсалар қанча оилани барбод қилиб, яна қанча фуқаронинг ҳаётини дўзахга айлантиришган экан? Бекобод туманида яшовчи Ботир Раҳмонов, Юсуф Алижонов, Фахриддин Абдумухторов, Фарҳод Бердиқулов, Исроил Худойназаров, Иззатулло Абдужабборов, Ғайрат Исабоев ва Абдуазиз Бердиқулов бир гуруҳга бирлашган ҳолда Тожикистон республикасидаги номаълум шахслардан гиёҳвандлик моддаси сотиб олиб, тарқатиш билан шуғулланиб келишган.

Ботир Раҳмоновнинг уйидан 30 грамм марихуана ва 900 грамм гашиш топилди. Шундан сўнг, калаванинг учи аста тортилганда, жиноий гуруҳ бошқа аъзоларининг ҳам қилмишлари ошкор бўлди. Хусусан, Юсуф Алижонов 350 грамм гашишни 700 АҚШ долларига пуллагани, кейинроқ, яна бир килограммини 2 минг АҚШ долларига Фахриддин Абдумухторовга сотгани аниқланди. Ф. Абдумухторов эса бу заҳри қотилни Ғайрат Исабоевга етказиб бериб турган.

Жиноий гуруҳнинг юқорида номлари тилга олинган аъзолари фаолиятига ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ҳамкорлигида ўтказилган тадбирлар натижасида чек қўйилди. Бировнинг бахтсизлиги эвазига мўмай даромад топаётган бу кимсаларга нисбатан қонуний жазо тайинланди.

Хулоса шуки, гиёҳвандлик жамиятга хавф солувчи хатарли иллат. Зеро, гиёҳванд ота-оналардан ногирон болалар дунёга келади. Бу оила учун ҳам, жамият учун ҳам, давлат учун ҳам катта муаммодир. Албатта, ҳеч ким бу иллат оқибатларини била туриб, ўзи истаган ҳолда чалиниб қолмайди. Уни келтириб чиқарадиган бир қатор омиллар мавжуд. Уларнинг энг асосийси эътиборсизлик ва бефарқликдир. Бунга ота-оналарнинг болаларни назоратсиз қолдириши, оилавий низолар, ортиқча бойлик орттиришга ружу қўйиш, фарзандларни керагидан ортиқ таъминлаш ва бошқа омиллар сабаб бўлмоқда.

Кўриниб турибдики, гиёҳвандлик "ажал уруғи" контрабандаси билан шуғулланувчи жиноий гуруҳларга қарши курашиш билангина барҳам топадиган муаммо эмас. Бу иллатга қарши ҳар бир фуқаро курашиши керак. Айниқса, ота-оналар, мактаб, ўқув юртлари ўқитувчилари ва маҳалла аҳли фаоллик кўрсатиши зарур. Унутмаслик керакки, оиладаги соғлом турмуш тарзи, маънавий муҳит, ҳалоллик, поклик, меҳнатсеварлик каби фазилатлар фарзандларни гиёҳвандлик иллатидан асровчи омиллардир. Ёшлар онгида гиёҳвандликка қарши ақлий иммунитет ярата олсак, келажак авлод бу иллатдан йироқ бўлади.

**Эркин ДЎСТОВ.**

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис: Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

Манзилимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.
e-mail: th.tp@mail.ru

Телефонлар:
Қабулхона: 233-64-95, 233-55-39, 233-58-85 (факс).
Бўлим муҳаррирлари ва мухбирлар: 233-12-83, 233-48-08.
Шартнома ва эълонлар: 233-56-03, 233-65-59.
Ҳисоб-китоб бўлими: 233-54-10.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир Абдусамад ЙЎЛДОШЕВ
Навбатчи Авазбек ХУДОЙҚУЛОВ
Саҳифаловчи Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма J 9660. Адади 15851. Баҳоси келишилган нархда Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. ISSN 2010-9318.

Ⓣ белгили материаллар – тижорат материаллари. "ЎЗБЕКИСТОН" нашриёт-матбаа ижодий уйи босмахонасида босилди. Корхона манзили: Навоий кўчаси, 30-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 18.30.